

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳукукида
УДК 9 (575.1)

КУРБАНОВ ХУРШИД РАУПОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЗЎРЛИК БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН
КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ВА
УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ. 1929-1938 йиллар
(ҳозирги Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари мисолида)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш
учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент - 2010

Диссертация иши Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар

тарих фанлари доктори, профессор
Рустамбек Темирович Шамсутдинов

Расмий оппонентлар:

тарих фанлари доктори, профессор
Дилором Бобожонова Бобожонова

тарих фанлари доктори
Қаҳрамон Кенжаевич Ражабов

Етакчи ташкилот

Бухоро давлат университети

Ҳимоя 2010 йил _____ ойининг ____ кuni соат ____ да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 07.00.01 – “Ўзбекистон тарихи” ихтисослиги бўйича тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун К.067.02.12 рақамли Ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ. e-mail: kengash@nuu.uz

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий кутубхонасида танишиш мумкин (100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ).

Автореферат 2010 йил _____ ойининг ____ кuni тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби**

т.ф.н., доц. А.А.Одилов

I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейин, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда туб ислохотлар бошланди. Мустақиллик шароитида ижтимоий фанлар, жумладан тарих фанида ҳам янгиланиш жараёни бошланиб, тарихчилар зиммасига тарихни илмий асосда холисона тадқиқ этиш ва уни халққа етказиш вазифаси юкланди. Бу борада советлар даврида бузиб кўрсатилган ёки яшириб келинган тарихий ҳақиқатни тиклаш муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: “Эл-юртимиз тақдирига даҳлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш, бегуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз”¹, – дея таъкидлаган эди.

Совет даврида иқтисодиётни таназулга маҳкум этган давлат мулкининг ҳукмронлиги хўжалик, маданий ва интеллектуал ҳаётни мажбуран коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун, фожеали оқибатларга олиб келган оммавий қатағон сиёсати амалга оширилди.

Кейинги йилларда совет ҳукмронлиги даврида амалга оширилган коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун, қатағон сиёсатларини ўрганиш ва холис тарихни яратишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1999 йил 12 майдаги “Қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги фармони², Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги “Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги қарори³ ҳуқуқий асос бўлди.

Юқорида таъкидланган масалалар бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди, лекин XX асрнинг 20-30 – йилларида совет ҳокимияти томонидан амалга оширилган коллективлаштириш сиёсати ва унинг оқибатлари Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари таҳлилида алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмади. Бу ўз навбатида мавзунинг долзарблигини белгилаб берди.

Совет ҳукуматининг коллективлаштириш ва қулоқлаштириш билан боғлиқ бўлган сиёсий қатағон амалиёти 1937 йилга келиб ўзининг юқори нуқтасига кўтарилди. СССР Ички ишлар халқ комиссари (ИИХК ёки НКВД) Н.Ежовнинг 1937 йил 30 июлдаги “Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа советларга қарши унсурларни қатағон қилиш операцияси тўғрисида”ги

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.98.

² Қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. - Халқ сўзи, 1999 йил 13 май.

³ Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. – Халқ сўзи, 1999 йил 23 июль.

№ 00447 - сонли “мутлақо махфий” ва тезкор буйруғига¹ асосан, Ўзбекистонда 1- ва 2-тоифа бўйича бажарилиши режалаштирилган катағонлар миқдори сунъий орттирилди. Айнан шу жараёнларнинг таркибий қисми бўлган Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш ва унинг оқибатлари масаласини ўрганиш, катағонлар моҳиятини янада чуқурроқ идрок этиш масаласи муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Бу эса тарихнинг “оқ доғ”ларини бартараф қилишда, катағонлар тарихини тўлақонли ёритишда ўзига хос аҳамият касб этади. Қолаверса, тадқиқотнинг мазмуни, унда илгари сурилган фикрлар ва хулосалар келгуси авлод учун тарихий сабоқ сифатида хизмат қилиши шубҳасиз.

Диссертациянинг даврий чегараси 1929 йилдан то 1938 йилларгача давом этган мураккаб тарихий даврни қамраб олади. Яъни, 1929 йилда бошланган ёппасига коллективлаштириш, у билан бир вақтда амалга оширилган қулоқлаштириш, сургун амалиётларининг зўрлик ва мажбурийликка асосланганлиги, совет ҳокимиятининг хусусий мулкни тугатиш ва қишлоқ хўжалигида давлат монополиясини ўрнатиш жараёнига қарши қаратилган норозилик ва халқ ҳаракатларини бостириш натижаларида бошланган сиёсий катағонларнинг 1937-1938 йилларга келиб, юқори чўққига чиққанлигини тегишли архив ҳужжатлари, турли материаллар асосида чуқур ўрганиш катта аҳамият касб этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзу бўйича мавжуд адабиётларни таҳлил этиш учун уларни икки гуруҳга, яъни совет ҳукмронлиги ва мустақиллик даврида нашр этилган адабиётлар туркумига бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. **Биринчи гуруҳ**, яъни совет ҳукмронлиги йилларида нашр қилинган адабиётлар таҳлили шундан далолат бердики, ушбу масала советлар даврида бирёқлама ўрганилган. Тадқиқотнинг баъзи бир масалаларига доир бир қанча илмий адабиёт ва алоҳида нашрлар мавжуд бўлиб, уларда деҳқонларга, қишлоқ аҳолисига қарши қўлланилган иқтисодий, мафкуравий, руҳий ва сиёсий катағонларни ўрганиш қатъиян ман қилинган эди.

Совет ҳукмронлиги давридаги асарлар коммунистик мафкура ғояси руҳида ёзилган бўлиб, уларда Ўзбекистондаги аграр ўзгаришлар тарихи, коллективлаштириш жараёнларининг мураккабликлари, халқнинг оммавий норозиликлари тўла очиб берилмаган. Бу асарларда кўплаб ҳаққоний далиллардан четлаб ўтилган, масаланинг салбий жиҳатлари яширилган, манбаларга танқидий ёндашилмаган. Коллективлаштириш сиёсати мулкдор ва ўзига тўқ тадбиркор деҳқонлар қатламининг “қулоқ” (бундан буён - қулоқ) сифатида тугатилиши ижобий жараён сифатида баҳоланган.

Ўзбекистондаги коллективлаштириш масаласига оид дастлабки ишлар сифатида XX асрнинг 30-йилларида асосан партия, давлат арбобларининг

¹ Репрессия 1937-1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 1. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Каримов Н.Ф., Юсупов Э.Ю. –Ташкент: Шарк, 2005. – С.32-40.

“аграр инқилоб” ва “социалистик қурилиш” тажрибалари умумлаштирилган Е.Зелькина, С.Архангельский, И.Бенедиктов асарлари¹ вужудга келди.

Шунингдек, совет ҳокимиятининг қишлоқларда амалга оширган “ленинча коллективлаштириш”, “инқилобий ўзгаришлар” мактаб ёзилган П.Литвиненко, А.Иткин, В.Я.Непомнинларнинг илмий тадқиқотлари² ҳам шу йилларда юзага келди.

1950-60 йилларда муайян манбаларга асосланиб, тарихий жараёнларни таҳлил қилиш жиҳатидан аввалги тадқиқотчилардан фарқ қилувчи О.Б.Жамолов, Г.Р.Ризаев, С.С.Саидалиев, А.П.Финаров, И.Я.Трифонов, Р.Ҳ.Аминова, А.Ю.Ибрагимова асарлари³ нашр қилинди. Уларда 20-30 – йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган аграр ўзгаришлар, ер-сув ислохотлари, коллективлаштириш, қулоқлаштириш сиёсатлари давр руҳи ва тузум андозаларига мос таҳлил қилинган ҳолда бир ёқлама ёритилган бўлиб, уларнинг салбий оқибатлари тўла очиб берилмаган.

1970 йилда нашр қилинган И.Алимов асарида⁴ Хоразм ва Бухоро халқ совет республикаларидаги аграр ўзгаришлар, Р.Аминованинг асар ва мақолаларида⁵ эса Ўзбекистондаги коллективлаштириш ва унинг оқибатлари илмий асосда ёритилган. Россия олими Н.Ивницкий асарида⁶ қулоқларни синф сифатида тугатиш муаммолари, В.Земсков тадқиқотларида⁷ сургун масалалари атрофлича таҳлил этилган.

¹ Зелькина Е. Земельная реформа в Узбекистане. –Ташкент: Госиздат, 1925. –47 с; Ўша муаллиф. Очерки по аграрному вопросу в Средней Азии. –М.: Академия, 1930. –230 с; Архангельский С.Ф. Основные черты колхозного строительства в Средней Азии. –М.: Госиздат РСФСР, 1930. –20 с; Бенедиктов И. Колхозное строительство в Узбекистане. –М., 1930. –43 с.

² Литвиненко П., Раскин Г. Колхозное движение и классовая борьба в кишлаке Узбекистана. –Ташкент: УзГИЗ, 1931; Иткин А. Социально-экономические предпосылки коллективизации хлопководства в Средней Азии. –Ташкент: Госиздат УзССР, 1932; Непомнин В. От колониального рабства к социализму. –Ташкент, 1939.

³ Джамалов О.Б. Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане. –Ташкент: Госиздат УзССР, 1950. –124 с; Ризаев Г.Р. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1957. –266 с; Ўша муаллиф. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917-1965 гг.) –Ташкент: Узбекистан, 1967. –187 с; Саидалиев С.С. Борьба за осуществление ленинского кооперативного плана в Узбекистане. –Ташкент: Госиздат УзССР, 1958; Трифонов И.Я. Очерки истории классовой борьбы в СССР в годы НЭПа (1921-1937 гг. –М., 1960; Финаров А.П. К вопросу о ликвидации кулачества как класса и о судьбе бывших кулаков в СССР. –М., 1961; Аминова Р.Х. Аграрные преобразования в Узбекистане накануне сплошной коллективизации. (1925-1929 гг.). –Ташкент: Фан УзССР, 1965. –347 с; Ибрагимова А.Ю. Победа ленинского кооперативного плана в Узбекистане (1929-1933 гг.). –Ташкент: Фан УзССР, 1969. –192 с.

⁴ Алимов И.А. Аграрные преобразования в народных советских республиках Хорезма и Бухары (1920-1924 гг.) –Ташкент: Узбекистан, 1970. –С.220.

⁵ Аминова Р.Х. Осуществление коллективизации в Узбекистане (1929-1932 гг.) –Ташкент: Фан, 1977; Ўша муаллиф. Коллективизация в Узбекистане: как это было? // Коммунист Узбекистана, –Ташкент, 1989. –№9. – С.45-54.

⁶ Ивницкий Н.А. Классовая борьба в деревне и ликвидация кулачества как класса. (1929-1932 гг.). –М.: Наука, 1972.

⁷ Земсков В.Н. Спецпоселенцы. (по документации НКВД-МВД СССР). // Социологические исследования. – М., 1990. –№11. –С.3-17; Ўша муаллиф. “Кулацкая ссылка” в 30-годы. // Социологические исследования. – М., 1991. –№10. –С.3-21.

Совет хоқимиятининг сўнги даврида тайёрланган С.Ғиёсовнинг номзодлик диссертациясида¹ 1920 йиллар охири 30 – йиллардаги ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигида амалга оширган ислохотлари зўравонлик ва буйруқбозликка асосланганлиги, МИК (Марказий ижроия комитет) нинг айрим ноқонуний хатти-ҳаракатлари очиб берилган. Диссертацияда совет ҳукумати аграр сиёсатининг ғоявий-мафкуравий жиҳатлари, ижтимоий-иқтисодий, маънавий зарарлари таъкидланган бўлса-да, 1937-1938 – йиллардаги қатағонлар масаласига эътибор қаратилмаган.

Умуман олганда, совет даври бўйича таҳлил қилинган адабиётлар ҳамда мақолаларда коллективлаштириш сиёсатининг моҳияти, у билан бир вақтда ўтказилган қулоқлаштириш ҳамда сургун амалиётлари, 1937-1938 йиллардаги оммавий қатағонлар ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ғалабалари тарзида талқин қилинган.

Иккинчи гуруҳга тегишли, яъни мустақиллик йилларида нашр қилинган адабиётларда коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун, қатағонлар билан боғлиқ масалалар янги руҳда, янгича методология асосида, истиқлол ғоялари асосида талқин этила бошланди.

Янгича ёндашувлар асосида тадқиқотлар йўналишини бошлаб берган академик Р.Ҳ.Аминова мавзунинг таркибий қисми бўлган коллективлаштиришни ўз тадқиқотларида² қишлоқ ва деҳқонлар манфаатига тамоман ёт бир иллат эканлигини далиллар асосида исботлаб, совет ҳукуматининг зўравонликка асосланган сиёсатини кескин танқид остига олди ҳамда унинг салбий оқибатларини очиб берди.

А.А.Голованов тадқиқотида³ 1917-1937 йиллардаги ўзбек қишлоғининг ижтимоий ҳолатини, аграр сиёсатнинг салбий оқибатларини, ҳуқуқлардан чеклаш, қулоқ қилиш масалаларини янгича асосларда баён қилди.

Р.Т.Шамсутдинов асарларида⁴ масаланинг туб моҳияти фақат Ўрта Осиё республикалари ҳамда Ўзбекистон миқёсида илмий асосланган ҳолда кўрсатиб берилган. Уларда мавзунинг тарихшунослик, манбашунослик жиҳатлари қиёсий таққосланган ҳолида ёритилган. Коллективлаштириш, қулоқлаштиришнинг мазмун-моҳияти, сургун амалиёти, унинг босқичлари,

¹ Гиясов С. Деятельность ЦИК Советов Узбекской ССР по развитию сельского хозяйства республики в 30-е годы: состояние, особенности, проблемы: Автореф. дисс...канд.ист.наук. – Ташкент, 1991. –24 с.

² Аминова Р.Х. Из истории коллективизации в Узбекистане. // История СССР, –М., 1991. –№4. –С.42-53; Ўша муаллиф. Коллективлаштириш – қашшоқлаштириш демак. // Шарқ Юлдузи, –Тошкент, 1992. –№ 2. –Б. 183-188; Ўша муаллиф. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. –Ташкент: Фан, 1995. – 206 с. и др.

³ Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. –Ташкент: Фан, 1992. –162 с.

⁴ Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг жожеали оқибатлари. – Тошкент: Шарқ, 2001. –368 б; Ўша муаллиф. Қишлоқ жожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). –Тошкент: Шарқ, 2003. –544 б; Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Учинчи китоб. –Андижон: Andijon nashriyot-matbaa, 2004. –Б.348-455, 582-607; Шамсутдинов Р.Т, Мамажонов А. Шимолий Кавказ сурғунидаги юртдошлар қисмати. –Тошкент: Шарқ, 2005. –336 б; Шамсутдинов Р.Т., Акбарова М.Ғ. Шимолий Қозоғистон сурғунидаги юртдошлар қисмати. –Тошкент: Шарқ, 2009. –222 б. ва б.

фожеалари, сургундагиларнинг юртга қайтиши ва уларнинг кейинги қисматлари илмий асосларда тадқиқ этилган.

Юқоридаги номлари кўрсатилган муаллифларнинг асарларида зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш масаласининг Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларидаги оқибатлари алоҳида боб, бўлим ёки параграф тарзида ёритилмаган.

Коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун масалаларида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, 1937-1938 йиллардаги “катта террор”га оид мукамал асар ҳали ҳануз яратилганича йўқ. Бу йилларда содир этилган қатағонлар, унинг фожеалари ва салбий оқибатлари ҳақида бир қатор асарлар, ўқув қўлланмалар нашр қилинди¹, холос.

Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази томонидан нашр қилинган “Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида”² номли иккинчи китобнинг иккинчи қисмида совет давлати таркибида бўлган Ўзбекистоннинг 1925-1940 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаёти ёритилган бўлиб, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдаги зиддиятлар, 30-йиллардаги оммавий қатағонлар, раҳбар ходимларнинг ҳаёти ва фаолияти, мажбурий коллективлаштириш фожеалари, оммавий қулоқлаштиришнинг зўравонликка асосланганлиги, қулоққа тортилган аҳолининг кўшни республикалар, Шимолий Кавказ, Украина, Сибир ўлкаларига сургун қилиниши ва оқибатлари, оммавий коллективлаштиришга қарши халқнинг норозилик ҳаракатлари ҳамда унинг ижтимоий-иқтисодий зарарлари аниқ далиллар асосида ёритилган.

Профессор Р.Ҳ.Муртазаева умумий таҳрири остида нашр қилинган дарсликда³ XX асрнинг 20-30 – йилларидаги коллективлаштириш, бу даврда совет давлати жазо органлари томонидан ўйлаб топилган “18 лар гуруҳи”, “иноғомовчилик”, “қосимовчилик”, “бадриддиновчилик” гуруҳларининг фаолияти, сиёсий қатағонлар ва унинг фожеалари таҳлил қилинган.

Д.Алимова, Р.Шамсутдинов, Н.Каримов, Қ.Ражабов, Э.Юсупов, Б.Расулов, Ш.Хайитов, Ф.Ниёзова, М.Абдуллаевлар томонидан ёзилган

¹ Набижон Боқий. Қатнома. –Тошкент: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1992. –208 б; Шамсутдинов Р.Т., Расулов Б.М. Истиклол учун кураш фидойилари. –Андижон, 1993. –86 б; Қиличев Ф. Зулматдан садолар. –Тошкент: Адолат, 1994. –160 б; Шамсутдинов Р.Т. Жертвы репрессии. –Андижан, 1994. –96 б; Ҳасанов Б. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы 1917-начала 50-х годов. –Ташкент, 2000; Ишанходжаева З.Р., Иофе В.Г. Репрессивное политика тоталитарного режима в Узбекистане (20-е – 30-е годы XX века). Учебно-методическое пособие для студентов исторических факультетов. –Ташкент: Университет, 2003. –72 с; Юнусова Х.Э. Совет давлати миллий сиёсати ва унинг оқибатлари. –Тошкент: ZAR QALAM, 2005. –115 б; Шамсутдинов Р. Катта террор айбдорлари ҳақида янгича талқинлар. –Андижон: Университет, 2007. –88 б; Шамсутдинов Р., Бекмуҳаммад У. Мозийнинг қора кунлари. –Урганч, 2007. –38 б.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир: М.Жўаев. –Тошкент: Шарқ, 2000. –688 б.

³ Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртлари номутахассис факультетлари талабалари учун дарслик). Р.Ҳ.Муртазаеванинг умумий таҳрири остида. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. –674 б.

мақолаларда¹ коллективлаштириш, кулоқлаштириш, сургун ҳамда “катта террор” масалалари илмий асосда янги талқин этилган.

Мустақиллик йилларида коллективлаштириш, кулоқлаштириш, сиёсий катагонлар даври тарихи бўйича ёритилган диссертацияларда² ҳукуматнинг бу сиёсати ҳолисона ўрганилиб, унинг асл моҳияти ва фожеалари таҳлил қилинди.

О.Назаровнинг номзодлик диссертациясида 20-йиллар охири – 30-йиллар бошларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг аҳволи, моддий-техникавий ҳолати, ёппасига коллективлаштириш жараёни ва оқибатлари илмий таҳлил қилинган. Диссертацияда маълумотлар асосан, Ўзбекистон бўйича умумлаштирилган ҳолда баён қилинган.

М.Абдуллаевнинг номзодлик диссертациясида 1929-1945 йилларда Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг амалга оширган кулоқлаштириш сиёсати, унинг фожеали оқибатлари архив маълумотлари асосида батафсил ёритилган. Шунингдек, кулоқларнинг Украинага сургун қилиниши жараёни атрофлича ўрганилган.

А.Мамажоновнинг номзодлик диссертациясида коллективлаштириш жараёнида кулоққа тортилган хўжаликларнинг Шимолий Кавказ ўлкасига сургун қилиниши тарихи, сургун жараёни, аҳолининг норозилик

¹ Ражабов Қ. Истиклол шаҳидлари ҳақида икки китоб (тақриз). // Жаҳон адабиёти. –Тошкент, 2003. –№2. –Б.177-180; Ўша муаллиф. Туркистон мустақил совет давлати таркибида (1925-1991йй) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12-жилд. –Тошкент.: ЎзМЭ давлат нашриёти, 2006. –Б.171-178; Ўша муаллиф. Раззоқ бобо ерлари. –Тошкент: Zarqalam, 2006; Ражабов Қ., Ражабов Д. Селдай келган офат (давр фожеаси ҳужжатлар нигоҳида). // Муҳофаза. –Тошкент, 2007. –№1. –Б.28-32; Ражабов Қ., Ражабов Д. Полвонлар сулоласи қисмати. // Бухоро мавжлари, 2008. –№1. –Б.40-43; Ражабов Қ., Эргашев О. Бухоро воҳасида яшовчи бойлар ва уламоларнинг катагон қилиниши. // БухДУ илмий ахбороти. –Бухоро, 2008. –№3. –Б.13-18; Ражабов Қ. Катагон қурбонлари ҳақида тўрт китоб (тақриз). // Жаҳон адабиёти. –Тошкент, 2008. –№12. –Б.184-188; Ўша муаллиф. Генеологические древа семьи Раззаковых // Узбекистан через пространство и время. Социокультурный альманах. –Ташкент: Sug'diyona, 2010, –С.181-184; Шамсутдинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган ўзбеклар. // Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2006. –№2. –Б.176-179; Шамсутдинов Р., Дўсматов Э. Катагон қилинган самарқандликлар. // АДУ Илмий хабарнома. –Андижон, 2008. –№1-2. –Б.42-46; Шамсутдинов Р., Расулов Б. Уч марта катагон қилинганлар. // Guliston. –Тошкент, 2009. –№1. –Б.33-36; Шамсутдинов Р., Тожимирзаев Э. “Кулоқлар операцияси” қурбонлари. // Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2009. –№2. –Б.41-45; Шамсутдинов Р., Юсупов Э. “Миллий контингентлар” – оммавий катагон қурбонлари. // АДУ Илмий хабарнома. –Андижон, 2009. –№4. –Б.58-62; Алимова Д., Шамсутдинов Р. К изучению проблемы историографии и истории коллективизации сельского хозяйства. // O'zbekiston tarixi, –Тошкент, 2007. –№1. –С.24-35; Юсупов Э. Ценное издание о трагических страницах истории коллективизации в Средней Азии. // O'zbekiston tarixi. –Тошкент, 2007. –№3. –С.77-79; Расулов Б. Ўзбек қишлоқларида ижтимоий ва мулкый табақаланиш. // Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2009. –№1. –Б.97-98; Хайитов Ш. “Кулоқ” қилинганлар фожеаси. // Бухоро мавжлари. –Бухоро, 2006. –№6. –Б.40-42; Ўша муаллиф. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш жараёнида ўзбек мухожирлигининг вужудга келиши. // O'zbekiston tarixi. –Тошкент, 2008. –№1. –Б.43-55; Ниёзова Ф. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришнинг салбий оқибатлари. // Ўзбекистон тарихи, 1999. –№ 4. –Б.39-44; Абдуллаев М. Кулоқлар сургуну ва махсус посёлкалар. // Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2010. –№1. –Б.96-98.

² Назаров О.Р. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини оммавий коллективлаштиришнинг ўтказилиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари (1929-1937 йй.) (Тошкент ва Фарғона вилоятлари мисолида): Тарих фан. ном. дисс.... –Тошкент: ЎзМУ, 2001. –148 б; Абдуллаев М.Ф. Ўзбекистонда советларнинг “кулоқ” қилиш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари (1929-1945 йиллар): Тарих фан. ном. дисс.... автореф. –Тошкент: ЎзМУ, 2002. –32 б; Мамажонов А. Коллективлаштириш жараёнида Ўзбекистон қишлоқларидан Шимолий Кавказга сургун қилинганлар: Тарих фан. ном. дисс.... автореф. –Андижон: АДУ, 2005. –28 б; Тойиров А. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг катагон сиёсати (Самарқанд вилояти мисолида, 1918-1938 йй.): Тарих фан. ном. дисс.... –Тошкент: ЎзМУ, 2007. –120 б.

ҳаракатлари, ўзлаштирилмаган ерлардаги турмуш, шароит, очарчилик ва катағонлар илмий таҳлил қилинган.

А.Тойировнинг номзодлик ишида совет ҳокимиятининг 1918-1938 йилларда Самарқанд вилоятида амалга оширган катағон сиёсатининг моҳияти, ҳукуматга қарши қаратилган қуролли курашлар, унинг асосий етакчилари, ҳаракатларнинг бостирилиши, яширин ташкилотларнинг фаолияти ва уларга қарши ҳукуматнинг кескин чоралари, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги катағон сиёсати ва оқибатлари махфий архив ҳужжатлари, бошқа манба ва адабиётлар асосида илмий таҳлил қилиб берилган.

Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларининг айрим туманлари тарихи ҳақида нашр қилинган И.Санаев, Муҳаммад хожи Бақоев, С.Мухторов ва К.Бобомуродовларнинг китобларида¹ Зиёвуддин, Шофиркон, Ғиждувон туманларининг совет давридаги ҳолати, коллективлаштириш ва қулоқлаштириш жараёнлари ҳамда унинг қишлоқ оммасига салбий таъсири қисқа баён қилиб ўтилган, холос.

Коллективлаштириш жараёнида қулоқ қилиниб, мамлакатнинг турли минтақаларига сургун ва бадарға қилинганлар тақдири Россия олимлари В.Н.Земсков, Н.Ивницкий тадқиқотларида² ҳам ўз аксини топган.

Шунингдек, ушбу масала хорижий тадқиқотчилар³ ҳамда айрим сабабларга кўра ўз юртини тарк этишга мажбур бўлган туркистонлик муҳожирлар⁴ эътиборида ҳам бўлган. Муҳожирлар асарлари асосан турк, немис тилларида, араб имлосидаги форс, тожик тили ҳамда эски ўзбек адабий тилида ёзилган бўлиб, уларда совет ҳукумати томонидан амалга оширилган сиёсатнинг халққа нисбатан етказган зарарлари ва оқибатлари таҳлил қилиб берилган.

Тадқиқ этилаётган масала тарихчилардан ташқари адабиётшунослар, ҳуқуқшунос ва файласуфлар эътиборидан ҳам четда қолмади. Тарихий-

¹ Санаев И. Зиёвуддин тарихи. –Тошкент: Шарқ, 1995. –384 б; Мухтор С., Бобомурод К. Шофиркон тарихи. –Тошкент: Ёзувчи, 1998. –220 б; Муҳаммад хожи Бақоев. Ғиждувоннома (Ғиждувон тарихидан лавҳалар). –Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. –394 б.

² Земсков В.Н. “Кулацкая ссылка” на кануне в годы Великой Отечественной войны. // Социологические исследование. –М., 1992. –№2. –С.3-26; Ўша муаллиф. Судьба “Кулацкой ссылки” (1930-1954гг.). // Отечественная история. –М., 1994. –№1. –С.118-147; Ўша муаллиф. Спецпоселенцы в СССР (1930-1960 гг.). –М.: Наука, 2003. – 306 с; Ивницкий Н.А. Коллективизация и раскулачивания (в начале 30-х годов). –М., 1994. – 301 с; Ўша муаллиф. Репрессивная политика советской власти в деревне (1928-1933гг.). –М.: Наука, 2000. – 288 с; Ўша муаллиф. Судьба раскулаченных в СССР. – М.: Собрания, 2004. – 296 с.

³ Caroe O. Soviet Empire the Turks of Central Asia and Stalinism. –London-New-York, 1954. –P.128. Seton-Watson H. The New imperialism. –London-New-York, 1964. –P.52; Wheeler G. Peoples of Soviet Central Asia. – London, 1966. –P.50-54; Viola L. Peasant Redels Under Stalin. Collectivization and the Culture of Peasant Resistance. –Oxford, 1996. –P.312. Буттино М. Революция наоборот: Средняя Азия между падением царской империи и образованием СССР. (пер. с итал. Н.Охотина). –М.: Звенья, 2007.

⁴ Соқау М. Turkistonda con teror mesulleri. // Yash Turkistan 1935, -64 s; Мусо Туркистоний. Улуғ Туркистон фожеаси. –Мақкаи муқаррама.: Галифун, 1979. –Б.278-288; Yassaviy SH. Turkistan acciq haqiqatlari. 2-baski. – Istanbul, 1984. –458 b; Dr. Baymirza Hayit. Basmateclar. Turkistan Milli Mucadele Tarihi (1917-1934) –Ankara, 1997. –664 b. ва бошқа.

публицистик, тарихий-фалсафий руҳда ёзилган асарларда¹ XX асрнинг 20-30 - йилларидаги ўзбек қишлоқлари ҳаётининг айрим жиҳатлари баён этилган.

Умуман олганда, юқорида таъкидланган тадқиқотларда зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш масаласи умумий ҳолда талқин қилинган бўлиб, айнан Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари миқёсида алоҳида ўрганилмаган. Шундай экан, ушбу масала ҳудудлар мисолида ўрганилиш жиҳатдан янги талқинларни талаб қилди ва бу ҳолат ишнинг илмий ҳамда амалий аҳамиятини янада оширди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Диссертациянинг асосий мақсади 1929-1938 йилларда Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари ҳудудларидаги коллективлаштириш тарихи ва у билан боғлиқ жараёнлар масаласини ўрганиш бўлиб, унда асосан бу борадаги совет ҳукумати сиёсати, кулоқлаштириш, сургун, сиёсий қатағонлар ва уларнинг оқибатларини илмий жиҳатдан ўрганиш ҳамда таҳлил этишдан иборатдир. Ушбу масаладан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- совет ҳокимиятининг ўзбек қишлоғида зўрлик билан амалга оширган коллективлаштириш сиёсатини олиб боришдан кўзлаган мақсаднинг мустамлакачилик моҳиятини очиқ бериш;

- Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида амалга оширилган коллективлаштириш сиёсати ва унга қарши халқ ҳаракатларини таҳлил қилиш;

- кулоқлаштириш ҳамда сургун жараёни, унинг механизми ва оқибатларини ўрганиш;

- тадқиқот объектига киритилган ҳудудларда 1937-1938 йилларда амалга оширилган оммавий қатағонлар, унинг моҳияти ва оқибатларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

- коллективлаштириш сиёсатининг Самарқанд, Навоий, Бухоро халқига етказган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий зарарларини ўрганиб, тегишли хулосалар бериш;

- қатағон қурбонлари авлодларини излаб топиш, улардан эсдалик, хотиралар ёзиб олиб, илмий истеъмолга киритиш;

- коллективлаштириш, у билан боғлиқ жараёнларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва таҳил қилиш натижасида олинган хулосалардан келиб чиқиб, илмий ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг манбавий асослари. Ушбу мавзунини ўрганиш ва тадқиқ қилиш жараёнида кўп сонли материаллар ва ҳужжатлар қиёсий ўрганиб чиқилди ҳамда илмий муомалага киритилди. Уларни мавзунини ёритишдаги

¹ Каримов Н. Усмон Носир. –Тошкент, 1993; Наимов Н. Мен яшашни истайман. –Бухоро: Бухоро нашриёти, 1994; Ахророва Х. Истиқлол фидойилари. Изларини излайман. –Тошкент: Шарқ, 1998; Сафарова Н. Терроризм (тарихий-фалсафий таҳлил). –Тошкент: NOSHIR, 2009. –160 б. ва б.

аҳамияти нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда шартли равишда 5 гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳ манбаларига турли архивлардаги ҳужжатли материаллар киради. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви (ЎзР ПДА)нинг Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети (58-фонд) фондидаги йўриқномалари, Марказий Комитет томонидан округ ва районларга бириктирилган вакилларнинг коллективлаштириш, қулоққа тортиш, сургун қилиш жараёнини ақс эттирувчи маърузалари, шарҳлари, ҳисоботлари муҳим аҳамиятга эга. Мавзунини очиқ беришга хизмат қиладиган ҳужжатлардан “Ёппасига коллективлаштирилаётган районларда қулоқлаштириш ва қулоқ хўжаликларинини сургун қилиш тартиблари тўғрисида йўриқнома” (7-рўйхат, 277-иш), “Сургун қилинаётган қулоқ хўжаликларининг тавсифномалари” (7-рўйхат, 252-иш), коллективлаштириш ва сургун миқдорлари ақс этган жадваллардан кенг фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА)нинг Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети (Р.837-фонд), Ўзбекистон ССР Марказий ижроия Комитети (Р.86-фонд), Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги (Р.80-фонд), Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ комиссарлиги (Р.90-фонд) фондларида сақланаётган расмий характердаги ҳужжатлар республикадаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ақс эттирувчи давлат ва ҳукумат органларининг қарор ва фармойишлари, йиғилиш ва кенгаш баённомалари, ҳисобот ва кўрсатмалари, куч ишлатиш органларининг ёзишмалари, маърузалар, билдиришлар, буйруқлар, маълумотномалар каби далилий материаллар илмий истеъмолга киритилди.

Самарқанд вилоят давлат архиви (Самарқанд ВДА)нинг Ер ишлари бўлими (140-фонд), округ ижроия комитети (256-фонд); Бухоро вилоят давлат архиви (Бухоро ВДА)нинг Ер ишлари бўлими (4-фонд); округ ижроия комитети (26-фонд) фондларида районларда амалга оширилган ёппасига коллективлаштириш тадбирлари, унга нисбатан аҳолининг норозилик ҳаракатлари, қулоқлаштириш ҳамда сургун жараёнларини ақс эттирувчи ҳужжатлар муҳим манба саналади.

Ғиждувон тумани давлат архивининг Район ижроия комитети (3-фонд); Кармана тумани давлат архивининг Район ижроия комитети (2-фонд); Кармана район Молия бўлими (35-фонд); Хатирчи тумани давлат архиви Район ижроия комитети (2-фонд); Денов тумани давлат архиви Район ижроия комитети (1-фонд) фондларининг материалларида шу туманларда амалга оширилган коллективлаштириш жараёни, қулоқ хўжаликлари рўйхатлари, уларнинг мол-мулклари ақс эттирилган маълумотномалар, сургунга тортилган хўжаликлар ва уларнинг миқдори ҳамда “учлик” ҳукмлари ҳақидаги ҳужжатлар илмий истеъмолга тортилди.

“Мерос” илмий-амалий экспедиция халқаро хайрия жамғармаси архиви материалларидан ҳам тадқиқотда унумли фойдаланилди. Жамғарма томонидан мустақиллик йилларида Россия Федерацияси, Украина,

Қозоғистон, Шимолий Кавказ ўлкаси, шунингдек, Ўзбекистоннинг бир қатор вилоятлари ва шаҳарларидаги архивларнинг материаллари ўрганилди, коллективлаштириш ҳамда оммавий қатағонлардан омон қолган гувоҳлар ёки авлодлар эсдаликлари ёзиб олинди. Ушбу материаллар ҳам тадқиқот доирасида илмий ишга киритилди.

Иккинчи гуруҳга тегишли манбаларга хос бўлган, Ўзбекистон ва Россияда эълон қилинган, коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун, сиёсий қатағонлар, ҳамда “катта террор” ҳақидаги ҳужжатлар ва материаллар таҳлил қилинди.

Ўзбекистонда нашр қилинган Ўрта Осиё қишлоқлари ҳаётига бағишланган уч жилдлик архив ҳужжатлар тўплами¹ мавзунинг манбавий асосини ташкил этади. Ушбу манбаларда Ўрта Осиё республикалари, жумладан Ўзбекистон ва унинг вилоятларида амалга оширилган коллективлаштиришга оид 105 та, қулоқлаштиришга оид 138 та, хўжаликларни Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистонга сургун қилишга оид 225 та, қулоқларни такроран қатағон қилиш, уларнинг иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ҳамда юртга қайтишига оид 165 та архив ҳужжатлари аҳамиятлидир.

Р.Шамсутдинов ҳамда бир гуруҳ ўзбек олимлари томонидан яратилган ҳужжатлар ва материаллар тўпламида² 1937-1938 йиллардаги “катта террор”нинг Ўзбекистондаги ҳолати, қатағоннинг келиб чиқиш сабаблари, моҳияти, фожеалари, қатағон қилинганларнинг миқдори, ижтимоий ҳолати ҳақидаги маълумотлар хронологик изчилликда ёритилган.

Бугунги кунда 1937-1938 йилларда қатағон қилинганлар ҳақида хотира китоблари ҳам нашр қилина бошланди. Ана шу китобларнинг илк сони Бухоро вилоятидан қатағон қилинган 826 нафар шахс ҳаётига бағишланди³.

Н.Каримов масъул муҳаррирлигида нашр қилинган “Тарихнинг номаълум саҳифалари” деб номланган ҳужжатлар ва материалларда⁴ Ўзбекистон тарихининг мустамлакачилик даврида республикамиз, халқимиз ҳаётида рўй берган муҳим масалаларга оид ҳужжатлар ва материаллар эълон қилинган. Ушбу манбада келтирилган Абдурауф Фитрат сўровномаси

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955гг. Документы и материалы. I-II-III том. Под ред. Д.А.Алимовой. Составители: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов. –Ташкент: Шарк, 2006. –656 с; –496 с; –352 с.

² Репрессия 1937-38 годы. Документы и материалы. Выпуск 1. Сост: Шамсутдинов Р., Каримов Н., Юсупов Э. –Ташкент: Шарк, 2005. –286 с; Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари. Иккинчи китоб. –Тошкент: Шарк, 2007. –496 б; Репрессия 1937-38 гг. Документы и материалы. Выпуск 3. 1937 год, ноябрь. Сост: Шамсутдинов Р., Юсупов Э., Мамажонов А, Дусматов Э. –Ташкент: Шарк, 2007. –496 с; Репрессия 1937-38 гг. Документы и материалы. Выпуск 4. 1937 год, декабрь. Сост: Шамсутдинов Р., Абдуллаев М., Дусматов Э., Курбанов Х. –Ташкент: Шарк, 2008. –574 с; Қатағон қурбонлари. 1938 йил февраль, сентябрь. Бешинчи китоб. Тузувчилар: Шамсутдинов Р., Қурбонов Х., Расулов Ж., Эгамбердиев Ф., Бекимматов У. –Тошкент: Шарк, 2009. –414 б.

³ Қатағон қурбонлари. Хотира (Бухоро вилояти). Тузувчилар: Шамсутдинов Р., Дўсматов Э., Қурбонов Х. – Бухоро: BUXORO, 2009. –160 б.

⁴ Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари. Масъул муҳаррир Н.Каримов. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. –224 б.

(нашрга тайёрловчи: Қ.Ражабов), Вилоят Хўжаеванинг ота-онаси ҳақидаги материаллар мавзу учун аҳамиятлидир.

Россия Федерациясида нашр қилинган ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари¹ ҳам алоҳида илмий аҳамият касб этиб, мавзуга оид материаллар илмий мушоҳадага тортилди.

Учинчи гуруҳга тегишли манбалар даврий матбуотлар бўлиб, “Известия ЦИК СССР”, “Правда”, “Правда Востока”, “Қизил Ўзбекистон”, “Бухоро пролетари”, “Зарафшон”, “Кармана овози” каби нашрларнинг материаллари, раҳбар ходимларнинг маъруза ва мақолалари, тегиши манба ва интернет сайтларидаги² ахборот материаллари билан қиёсий таҳлил қилинди.

Манбаларнинг навбатдаги **тўртинчи гуруҳини** коллективлаштиришда иштирок этган, кулоқлаштириш, сургун, сиёсий қатағон қурбонлари бўлганларнинг эсдалик ва хотиралари ташкил этади. Бу каби манбалар мазкур мавзунини тадқиқ этишда муҳим ёрдамчи нарратив³ манба ҳисобланади. Бу борада ҳам анча китоблар нашр қилинди⁴. Бу эсдаликлар масалага бевосита алоқадор, архив ҳужжатларида акс эттирилган воқеалар тафсилотини мустаҳкамлайди, масаланинг туб моҳиятини ойдинлаштиради.

Бешинчи гуруҳ манбалари асосан дала материалларидан иборат бўлиб, тадқиқот юзасидан амалга оширилган илмий экспедициялар натижасида совет даври сиёсатида иштирок этган ва ноҳақ қатағон қилинган кишиларнинг суҳбатларидан ёзиб олинган материаллар тадқиқотга киритилди. Ҳожи Боли бобо, ҳожи Муҳаммади Турсунов, ҳожи Бобоҳон эшон, Муқим ота Нурназаров, Мунаввара отин ая, Сирож Ғиёсов, Сафар Умаров, Неъматилла Раҳимов, Шавқи Юнусов ва бошқаларнинг берган маълумотлари таҳлил қилинди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг 1929 - 1938 йилларда зўрлик билан амалга оширган коллективлаштириш сиёсати ва амалиётининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маънавий

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Документы и материалы в 4 томах. Под ред. А.Береловича (Франция), В.Данилова (Россия). Т.3. 1930-1934. Кн.1. 1930-1931. –М.: РОССПЭН, 2003. –864 с; Т.3. 1930-1934. Кн.2. 1932-1934. –М.: РОССПЭН, 2005. –840 с; Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы. 1927-1939. в 5 томах. Сост.: В. Данилов, М.Кудюкина и др. Т.2. ноябрь 1929 декабрь 1930. –М.: РОССПЭН, 2000. –928 с; Т.3. Конец 1930-1933. – Москва.: РОССПЭН, 2001. -1008 с; Т.4. 1934-1936. –М.: РОССПЭН, 2002. -1056 с; Бутовский полигон. 1937-1938гг. Книга памяти жертв политических репрессий. в 7 выпусках. –М.: Панорама, 1998-2003; Лубянка. Сталин и ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД. январь 1922 г. – декабрь 1936 г. –М.: Материк, 2003. –912 с; Лубянка. Сталин и главное управления госбезопасности НКВД. 1937-1938 гг. –М.: Материк, 2004. –736 с; История Сталинского ГУЛАГА. Конец 1920-х - первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7 томах. (Т.1. Массовые репрессии в СССР. –М.: РОССПЭН, 2004. –728 с; “Совершенно секретно”. Лубянка – Сталину о положении в стране (1922-1934гг.). в 11 томах. Сборник и документов (Т.7. 1929 г. –М., 2004. –768 с; Т.8. 1930 г. Часть 1. –М., 2008. –863 с).

² www.memo.ru, www.wikipedia.org, www.uzmeros.uz...

³ Нарратив манба – ҳикоя қилувчи характердаги мемуар, йилнома, эсдалик, суҳбат манбалар бўлиб, у далолатнома, фармойиш, қарор, буйруқ каби келиб чиқиши жихатидан ҳужжатли манбалардан фарқ қилади.

⁴ Шукрулло. Репрессия – мусибатли йиллар ситами. Қасосли дунё: (мақолалар). –Тошкент: Ўзбекистон, 1994. –Б.75-92; Иминов К. “Кулоқ”лик сургуни хотираларидан. –Андижон, 1997; Эгамназаров А. Сургун (ҳужжатли қисса, очерклар ва мақолалар). –Тошкент: Адолат, 1999; Боқий Н., Ҳамидов Ҳ. Мени ёд эт. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. –208 б.

оқибатларини ҳозирги Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари мисолида ўрганиш тадқиқот объекти сифатида олинган.

Худудлардаги коллективлаштириш тарихини илмий-амалий жиҳатдан холислик, тарихий воқеа-ҳодисалар, суҳбат-эсдаликлар асосида изчил ўрганиш ва таҳлил қилиш тадқиқот предмети қилиб олинди.

Диссертациянинг назарий ва услубий асослари. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий назарий қоидалари ҳамда унинг устувор тамойиллари, илмий билишнинг холислик, тарихийлик, тизимлилик принциплари диссертациянинг назарий-услубий асосини ташкил этади.

Тадқиқотни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, “Шаҳидлар хотираси” зиёратгоҳида, “Қатағон қурбонлари хотираси музейида” сўзлаган нутқлари, Ўзбекистоннинг янги тарихини яратишдаги методологик, илмий-назарий ва мафкуравий аҳамиятга молик ғоялари муҳим концептуал-методологик аҳамиятга эга бўлди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- биринчидан, совет ҳукмронлиги даврида Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари худудларида ўтказилган коллективлаштириш тазйиқ ва зўравонликка асосланиб, бу масалага ғоявий бир ёқлама ёндашилди. Бу ўз навбатида меҳнаткаш аҳоли орасида норозилик кайфиятини келтириб чиқарди;

- иккинчидан, мустақиллик йилларида тарих соҳасига бўлган эътибор туфайли холис тарихни тиклаш, тарихий онг ва тарихий тафаккурни шакллантириш, айниқса совет даври тарихини ҳаққоний ўрганиш масаласига Республика Президенти ва ҳукумат томонидан жиддий эътибор қаратилди;

- учинчидан, коллективлаштиришни амалга ошириш механизми, кулоқлаштириш, сургун амалиёти жараёни ҳамда оқибатлари манбаларда турлича ёритилди ва у бир қатор норозиликларга сабаб бўлди;

- тўртинчидан, 1930 йиллар бошида бошланган коллективлаштириш жараёнидаги қатағонлар 1937-1938 йилларга келиб ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. “Маҳфий” буйруқлар асосида минглаб одамлар қаторида колхозчи ва деҳқонлар ҳам қатағон қилиниб, 8-10 йил МТЛга ёки отув жазосига маҳкум қилинди. “Катта террор” ноқонуний ва ноинсоний тарзда амалга оширилди ҳамда фожеали оқибатлар келтириб чиқарди;

- бешинчидан, коллективлаштириш ҳамда сиёсий қатағонлар иқтисодий, ижтимоий ва маънавий оқибатларга сабаб бўлди ҳамда аҳоли турмушига салбий таъсир кўрсатди;

- олтинчидан, коллективлаштириш ва у билан боғлиқ жараёнларни ўз бошидан ўтказган, унга гувоҳ бўлган, қатағон қилинган юртдошлардан олинган эсдалик ва хотиралар бу сиёсатнинг аслида қандай бўлганлиги ҳақида аниқ маълумот олиш имконини берди.

Ишнинг илмий янгилиги. Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари бўйича тўлиқ ўрганилмаган коллективлаштириш, кулоқлаштириш, сургун ва қатағонларнинг шаклланиш механизми, меҳнаткаш аҳолига ўтказилган

тазйиқ ва етказилган иқтисодий, маънавий зарар, мажбурий коллективлаштириш оқибатида аграр сиёсатнинг таназзули, катағонга учраган оилаларнинг аянчли тақдири, 1937-1938 йиллардаги “катта террор”, унинг фожеали оқибатлари каби масалалар маҳаллий архив материаллари, тарихий манбалар асосида ўрганилди, илмий таҳлил қилинди, умумлаштирилди ва хулосалар берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида вужудга келган маълумотлар, хулосалар, назарий умумлаштиришлар коллективлаштириш ва у асосида ўтказилган кулоқлаштириш, сургун, сиёсий катағон масаласининг вилоятлар кесимида танқидий нуқтаи назардан холисона ўрганилганлиги билан аҳамиятлидир. Диссертация материаллари миллий, умуминсоний кадриятларни ўзаро уйғунликда ўрганиш ва бу борада халқимиз онгида холис тарихий тафаккур ҳосил қилишда ҳам маълум аҳамият касб этади.

Тадқиқот ҳужжатли материаллар асосида 1920-30 йилларда катағон қилинган юртдошларни номма-ном аниқланганлиги, уларнинг бугунги кунда ҳаёт бўлган авлодларидан олинган эсдалик ва хотиралари “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси, “Қатағон қурбонлари хотира музейи”дан жой олаётганлиги, бу фидойиларнинг номлари авлодлари қалбида маънавий жасорат эгалари сифатида мангу муҳрлангани билан ҳам аҳамиятлидир.

Тадқиқот натижалари ХХ асрнинг 20-30 – йилларида Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари ҳудудларидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий ҳаёт манзараларини ўрганувчи илмий изланувчилар учун назарий қўлланма ҳамда ахборот манбаи бўла олади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертация натижаларидан Ўзбекистон тарихининг совет ҳукмронлиги даври юзасидан дарслик ва қўлланмаларнинг тегишли бўлимларини ёритишда, олий ўқув юрти талабаларига тарих фанини ўқитиш жараёнларида, ўқув-услубий ишларда ҳамда музей экспозицияларида фойдаланиш мумкин.

Ишнинг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллифнинг республика илмий-амалий анжуманларидаги маърузаларда, илмий журналларда эълон қилинган мақолаларда ҳамда нашр қилинган манбаларда ўз аксини топган. Иш Бобур номидаги Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси ҳамда тарих факультетининг қўшма мажлисида муҳокама қилинган ҳамда ҳимояга тавсия этилган. Шунингдек, диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида фаолият кўрсатаётган К.067.02.12 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисида муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация юзасидан жами 14 та иш эълон қилинган. Жумладан, диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари бўйича 8 та илмий мақола, 3 та илмий-амалий анжуман материаллари, 3 та ҳужжат ва материаллар тўпламида ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 167 бетни ташкил этади.

II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот учун танланган мавзунинг долзарблиги асосланган, даврий чегараси, ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, манбавий асослари, илмий янгилиги, назарий-услубий асослари, илмий ва амалий аҳамияти, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, шунингдек, таркибий тузилиши ва ҳажми тавсифланган.

Тадқиқотнинг **“Совет ҳокимиятининг Зарафшон воҳасида олиб борган коллективлаштириш сиёсатидаги зўравонлик ва унга қарши халқ ҳаракатлари”** деб номланган биринчи бобида коллективлаштириш сиёсати, уни амалга оширишнинг механизми, коллективлаштиришга қарши қишлоқ аҳолисининг норозилик ҳаракатлари илмий таҳлил этилган.

Коллективлаштириш большевистик ғоячиларнинг нуқтаи назарида қишлоқни социалистик асосда қайта қуришнинг асосий усулларида бири эди. Социализм қуриш режасида мамлакатни саноатлаштириш, коллективлаштириш ва “маданий инқилоб” каби бўғинлар марказий ўринни эгаллаганди. Большевиклар “доҳий”си Ленин томонидан ишлаб чиқилган социализм қуриш режаси собиқ иттифоқ учун ягона ва умумий режа бўлгани ҳолда, у турли ҳудудларда турли йўл, турли усулларда амалга оширилди.

1927 йил декабрда бўлиб ўтган ВКП(б)нинг XV съезди партиянинг қишлоқдаги асосий вазифаси коллективлаштиришдан иборат, деган хулосага келди¹. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришнинг оммавий ҳаракати 1929 йил охирларидан бошланди. 1929 йил 15 декабрдаги СССР Ер ишлари халқ комиссарлигининг ҳудудларда ўтказиладиган коллективлаштириш тўғрисидаги ҳисоботида Бухоро округида 8 та район, шундан 7 таси 15 фоиз, 1 таси 70 фоиз; Зарафшон округида 6 та район, шундан 6 таси 15 фоиз; Самарқанд округида 10 та район, шундан 8 таси 30 фоиз, 2 таси 50 фоиз коллективлаштирилганлиги таъкидланган².

1929 йил 27 декабрда аграр марксчилар конференциясида сўзга чиққан И.В.Сталин “ёппасига коллективлаштириш асосида қулоқларни синф сифатида тугатиш” шиорини эълон қилди³. 1930 йил 5 январда ВКП(б) МК “Коллективлаштириш суръатлари ва колхоз тузилишига давлат ёрдами бериш тадбирлари тўғрисида”ги қарорида коллективлаштириш жараёни

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. Т. I. Под ред. Д. А. Алимовой. Сост: Р. Шамсутдинов, Б. Расулов. – Ташкент: Шарк, 2006. – С. 37.

² Трагедия советской деревни: коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы. 1927-1939. в 5 томах. Т. II. Ноябрь 1929 декабрь 1930. – М.: РОССПЭН, 2000. – С. 52-59.

³ Аминова Р. Коллективлаштириш – қашшоқлаштириш демак. // Шарк юлдузи. – Тошкент, 1992. – №12. – Б. 185.

нафақат алоҳида хўжаликлар, балки бутун район, округ, ҳатто вилоят ва воҳаларни қамраб олганлиги таъкидланган.

ЎзКП(б) МКнинг 1930 йил 17 февралдаги қарори билан республикадаги 17 та район ёппасига коллективлаштириш райони деб белгиланди. Самарқанд округидан Пастдарғом, Зарафшон округидан Конимех, Бухоро округидан Янги Бухоро районлари ҳам ана шу таркибга киритилди. Чунки бу вақтда Пастдарғом районида хўжаликларнинг 79,5; Конимехда 77,5; Янги Бухорода 94 фоизи, умумий ерларнинг 90 фоизи коллективлаштирилган эди¹.

Ёппасига коллективлаштириш районларида колхоз тузилиши уч шаклда олиб борилган. Биринчиси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ширкати бўлиб, унда бутун қишлоқ хўжалиги инвентарлари, от-улов, тортув кучлари ва ерни биргаллашиб ишловчилар умумлаштирилган. Иккинчиси қишлоқ хўжалиги артели бўлиб, бунда барча ишлаб чиқариш воситалари, асосан ер ва бутун ишлаб чиқариш жараёни умумлаштирилган. Учинчиси қишлоқ хўжалик коммунаси бўлиб, у ижтимоий ишлаб чиқариш ва тақсимотдан иборат бўлган².

И.В.Сталин ва В.М.Молотов 1930 йил 30 январда ВКП(б) МК Ўрта Осиё Бюроси котиби И.А.Зеленскийга юборган шифрли телеграммада Ўрта Осиёда коллективлаштиришни оммавий ва тез суръатларда амалга ошириш тўғри келмаслигини, бу борада районларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари ҳисобга олиниши зарурлигини тан олганлар. Айрим колхозга кирмаганларга нисбатан калтаклаш, кийимсиз ҳолда совуқда яёв кездириш, музли сувларда мажбурий чўмилтириш ва бошқа зўравонликлар амалга оширилган³.

Коллективлаштиришни ўтказишга бириктирилган масъул ходимлар аҳоли орасида турли алдов ваъдалар бериб, уларга бепул меҳнат инвентарлари, трактор ва машиналар беришни ваъда қилиб, ёлғон, бўхтон ҳамда кўрқитишларни ишга солиб, деҳқонларни зўрма-зўраки колхозларга жалб қилишга уринганлар⁴.

Ёппасига коллективлаштиришнинг тезкорлик, шошма-шошарлик ва маъмуриятчилик билан ўтказила бориши натижасида 1929 йилнинг октябрида 3,4 фоиз деҳқон колхозлар таркибида бўлган бўлса, 1930 йил мартага келиб республика деҳқон хўжаликларининг 47 фоизи колхозларга бириктирилган. Бу кўрсаткич 1930 йилнинг декабрига келиб Самарқандда – 44,5 фоиз, Зарафшонда – 38,6 фоиз, Бухорода – 30,3 фоизга етган⁵.

1930 йил 4 мартда Ўзбекистон КП(б) МК “Коллективлаштириш ва кулоқлар билан кураш олиб бориш тўғрисида” қарор қабул қилади⁶. Унда колхоз қурилишидаги хато ва нуқсонлар очиб ташланади.

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака... –С.74.

² ЎзР ПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 755-йиғма жилд, 17-варақ.

³ ЎзР ПДА, 58-фонд, 11-рўйхат, 1260-йиғма жилд, 36-варақ.

⁴ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Т.3., Кн.1. –М.: РОССПЭН, 2003. –С.257.

⁵ ЎзР МДА, Р.90-фонд, 8-рўйхат, 185-йиғма жилд, 3-варақ.

⁶ Трагедия среднеазиатского кишлака...Т.1. –С.117-127.

Коллективлаштириш кўрсаткичлари қайта таҳлил қилинганда Самарқанд, Нарпай, Каттакўрғон, Вобкент, Бауман (Шофиркон), Хатирчи каби районларда натижалар белгиланган кўрсаткичларга нисбатан паст бўлганлиги раҳбар-ходимларнинг масъулиятсизлигидан далолат эди¹.

Совет ҳокимиятининг зўравонлик сиёсатига қарши чиққан, мол-мулкни умумлаштиришни истамаганлар ижтимоий-сиёсий ҳаётдан, ерга эгалик қилиш, сайлаш ва саланиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилганлар. Жойларда тузилган ва тасдиқланган “ҳуқуқсизлар рўйхатлари” қулоқ қилиш учун асос бўлган².

ОГПУ ходимларининг ахборотида Ўзбекистон ҳудудлари, округ ва шаҳарларида коллективлаштиришга, колхозлаштиришга ҳамда совет ҳукуматига қарши ҳаракатлар аниқланганлиги, бунинг натижасида бир қанча одамлар ўлдирилганлиги, қамоққа олинганлиги таъкидланган.

Коллективлаштириш ва у билан боғлиқ тадбирлар, ғалла тарқатишдаги номуносиблик, уй ҳайвонларининг мажбуран тортиб олинишига қарши қаратилган чиқишлар Вобкент райони, Ѓиждувон районининг Чадгарин ва Жигати, Қизилтепа, Сармижон, Тайтал ва Туткудин, Сиплон қишлоқларида бўлиб ўтганлиги, ҳаракатларнинг қанчалик оммавий тус олганидан далолат беради³.

1930 йилнинг биринчи чорагида Бухоро округида 2600 киши иштирок этган 13 та, Зарафшон округида 1000 киши иштирок этган 2 та, Самарқанд округида 70 киши иштирок этган 2 та намойиш аниқланган. Бу вақтга келиб ҳукуматнинг отув, қамоққа олиш, меҳнат тузатув лагери (МТЛ)га юбориш, сургун, бадарға, мажбурий кўчириш каби қатағон усуллари кенг тарқалган⁴.

Биргина 1930 йилнинг 20 мартада Бухоро округидан оммавий норозилик кўтарган 156 киши (улардан 67 нафари бой, 63 нафари ўрта ҳол, 5 нафари мулла, 17 нафари камбағал, 4 нафарнинг касби аниқланмаган), Самарқанд округидан 127 киши (улардан 81 нафари бой, 23 нафари ўрта ҳол, 10 нафари мулла, 13 нафари камбағал), Кармана районида эса коллективлаштиришга қарши чиққан 15 нафар бой ҳибсга олинган ва жазога тортилган⁵.

Масалага хулоса сифатида айтиш мумкинки, коллективлаштириш сиёсатининг мақсади қишлоқдаги хусусий мулкни тугатиш, аҳолини тенглаштириш бўлган. Юқоридан белгиланган режани бажариш мақсадида кузатилган рақамлар кетидан кувиш натижасида, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида ҳам ёппасига коллективлаштириш сиёсати авж олдирилган. Умуман олганда, коллективлаштириш сиёсатини ҳеч ким ихтиёрий

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 7-рўйхат, 247-йиғма жилд, 105-варақ.

² ЎзР МДА Р.86-фонд, 1-рўйхат, 5023-йиғма жилд, 119-варақ.

³ Трагедия среднеазиатского кишлака... Т.І. -С.75-77; 136.

⁴ Ишанходжаева З.Р., Иофе В.Г. Репрессивное политика тоталитарного режима в Узбекистане (20-е – 30-е годы XX века). Учебно-методическое пособие для студентов исторических факультетов. –Ташкент: Университет, 2003. –С.17.

⁵ Трагедия среднеазиатского кишлака... Т.І. –С.216-217.

хоҳламаган. Ўз мулкидан, ўз эркидан ихтиёрий ҳолда айрилишни истамаганлар кулоқ бўлиб, сургунга кетишни афзал кўрган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида юритилган кулоқлаштириш сиёсати ва кулоқларнинг сургун қилиниши” деб номланган. Мазкур бобда кулоқлаштириш жараёни ва кулоқлар тоифалари, кулоққа тортилган аҳолининг сургун қилиниши масалалари ёритиб берилади.

1929 йилга қадар совет иттифоқи миқёсида кулоқ хўжалиklarини белгилаш бўйича ягона ҳукуқий ҳужжат бўлмаган. Ҳар бир комиссарлик ва муассаса кулоқ хўжалиklари белгиларини ўз идоравий мезонларидан келиб чиқиб белгилаган. ВКП(б) МК Ўрта Осиё Бюроси 1930 йил 28 январда “Кулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисида”ги қарорни қабул қилди.

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги “Ёппасига коллективлаштириш районларида кулоқ хўжалиklarини тугатиш тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳукуматнинг қатағон сиёсати авж олаётганлигидан дарак эди. Бу асосида кулоқлар уч тоифага ажратилди ва тегишли жазо чоралари белгилаб қўйилди. Биринчи тоифага аксилинқилобий кулоқ фаоллари, террорчилик ҳаракатлари ва советларга қарши исёнларнинг иштирокчилари кириб, уларни концлагерларга қамаш, репрессиянинг олий жазоси – отувга ҳукм қилиш белгиланган. Иккинчи тоифага кулоқ фаолларининг қолган унсурлари кириб, энг бой ва ярим помещчикларни ёппасига коллективлаштириш районларидан иттифоқнинг олис районларига сургун қилиш кўрсатилган. Учинчи тоифага кулоқларнинг қолган қисми кириб, уларни хўжалиklари ерларидан ташқаридаги, янги ўзлаштириладиган ерларга сургун қилиниши белгилаб қўйилган¹.

Ўзбекистон ХКС бу масалада Низом ва йўриқнома қабул қилди. 1930 йил 6 апрелдаги “Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодекси тадбиқ этилиши лозим бўлган кулоқ хўжалиklarининг белгилари ва шундай хўжалиklarни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида”ги №52-сонли қарорида қишлоқ хўжалик ишларида, касб-ҳунармандчиликда, корхоналарда, пахта экиладиган, боғдорчилик, узумчилик, полизчилик ва чорвачилик хўжалиklarида ёлланма меҳнатдан фойдаланадиган; тегирмон, обжувоз, турли дон, меваларни қуритгич ва тозалагичлар, бошқа саноат корхоналарига эга бўлган; оиласида меҳнатга яроқли эркеклар ва ўз ерига ишлов бериш учун хўжалик имкониятлари бўла туриб ўз ерини ижарага берувчи ёки унга чорикорлар орқали ишлов берувчи; савдо ва саноат йўли билан эксплуатация қилиш мақсадида боғ, узумзор ва шунга ўхшашларни ижарага олувчи; аъзолари савдо, судхўрлик билан шуғулланувчи ёки меҳнат қилмай бошқа даромад оладиган, шу жумладан, диндор ва руҳоний хўжалиklари кулоққа тортилган.

¹ Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание...Т. II...—С. 126.

Кулоқлаштириш ва сургун қилишда ҳаддан ошишлар, зўравонликлар, чегарадан чиқишлар, ўзбошимчаликларга йўл қўйилган. ОГПУ ахборот бўлимининг 1930 йил 17 майдаги маълумотномасида, айрим районларда кулоқлаштириш жараёнларининг қўпол бузилиш ҳолатлари, кулоқ қилинганлар таркибига ўрта ҳолларнинг ҳам каттагина қисми киритиб юборилганлиги таъкидланган¹.

Чорвачилик бўйича ҳукумат комиссиясининг 1931 йил 4 апрелдаги йиғилишида чорвадор районлардаги кулоқ хўжаликларига тегишли бўлган чорва ҳайвонларини мусодара қилиш масаласи кўрилган.

Ўзбекистон ХКС 1932 йил 21 майда “Кулоқ хўжаликлари белгилари тўғрисида”ги навбатдаги қарорини қабул қилди. Ушбу қарор кулоқлаштириш кампаниясини янада кучайтиришга, кескин тус олишига сабаб бўлди. Эндиликда кулоқ хўжаликларини аниқлашда районлар участкаларга бўлинди.

Самарқанд, Зарафшон, Бухоро округларининг барча районларида кулоқлаштириш масаласидаги йиғилишлар ўтказилган. 1932 йил 17 майда Хатирчи райони “учлиги”нинг деҳқонлар ва камбағаллар билан ўтказилган йиғилишида Чангир қишлоқ советига қарашли Турк, Оқ гумбаз қишлоқларидан 29 оила кулоқ хўжалиги деб топилган ва Гончаров, Бобоҳўжаев, Раҳматуллаевлар имзоси билан баённомалар имзоланган².

1930-1933 йилларда Кармана районининг Янги ариқ, Жалойир, Дўрмон, Айрончи, Қиёт, Мозор ва бошқа қишлоқларидаги ўнлаб хўжаликлар кулоқлаштирилган, мол-мулки мусодара қилинган ва жазога тортилган³.

Сургун – совет давлати жиноят-ҳуқуқ қонунчилигига кўра, жиноий жазонинг кўринишларидан бири бўлиб, жавобгарнинг яшаш жойидан маҳрум қилиниб, бошқа бир қатъий белгиланган ерда жойлашуви билан боғлиқдир. Сургун муддати асосий жазо сифатида 3 йилдан 10 йилгача, қўшимча жазо сифатида эса 5 йилгача белгиланган. Қонунга кўра, 16 ёшга тўлмаганларга сургун жазосини қўллаш мумкин бўлмаган⁴.

Сургун қилинган деҳқон оилаларини жойлаштириш ва улар меҳнатидан самарали фойдаланиш учун мамлакатнинг чекка минтақаларида махсус посёлкалар ташкил этилган. Махсус посёлкаларнинг маъмурий бошқаруви ГУЛАГ (Лагерлар бош бошқармаси) органлари тасарруфига берилган ва ҳар бир посёлкаларда комендантлик назорати жорий қилинган. 1930 йилларда кулоқ сифатида сургун қилинган деҳқон оилалари ОГПУнинг ГУЛАГ назоратига олиниб, «махсус кўчирилганлар» (*спецпереселенец*) деб номланган. 1933 йилда бу атама ўрнига «меҳнат учун кўчирилганлар»

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Т.3. Кн.1.... –С.346-349.

² Хатирчи тумани давлат архиви, 2-фонд, 1-рўйхат, 7-йиғма жилд, 8, 20, 52, 60-64-варақлар.

³ Кармана тумани давлат архиви, 35-фонд, 1-рўйхат, 94-йиғма жилд, 1-417-варақлар; 74-йиғма жилд, 1-384-варақлар; 87-йиғма жилд, 28-35-варақлар; 89-йиғма жилд, 3-258-варақлар; 92-йиғма жилд, 5-325-варақлар; 93-йиғма жилд, 1-128-варақлар.

⁴ История Сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7 томах. Т.5. Спецпереселенцы в СССР. Отв. ред. и сост: Т.В.Царевская-Дякина. –М.: РОССПЭН, 2004. –С.23.

(*трудпоселенец*) атамаси қўллана бошланган. Қулоқлар жойлаштирилган маконлар «махсус посёлка»дан «меҳнат посёлкаси»га ўзгартирилган.

Сиёсий бюронинг 1930 йил 20 февралдаги “Коллективлаштириш ва миллий иқтисодий қолоқ районларда қулоқларга қарши кураш тўғрисида”ги қарорида 2- ва 3-тоифадаги қулоқ унсурларни ёппасига коллективлаштириш районларидан ташқари, чегарадан узоқ, меҳнат қилиш учун ноқулай бўлган ерларга кўчириб жойлаштириш белгилаб қўйилди.

1931 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра республика ҳудудида 17 та махсус посёлка, шулардан 1 таси Оқдарё, 3 таси Икромов, 1 таси Ёждувонда фаолият кўрсатган¹ ва уларда сургундагилар меҳнат қилган.

Каттақўрғон, Қорадарё, Самарқанд, Эски Бухоро, Янги Бухоро, Бауман, Вобкент районларидан хўжаликлар ҳам бошқа ҳудудларга сургун қилинган². Самарқанд районида 275 хўжалик (1025 киши) 2 та посёлкага, яъни 90 хўжалик (387 киши) Самарқанддан 8 км узоқликда жойлашган Қўштанғали, 185 хўжалик (638 киши) Илпок меҳнат посёлкасига сургун қилинган³.

1931-1932 йилларда Бухоро вилояти Ёждувон районида ўнлаб оилалар қулоқ қилинган хўжаликлар район ташқарисига, Денов райони “Ҳазорбоғ” совхозига ва республикадан ташқари ўлкаларга сургун қилинган. Мақсудов Рўздат, Ҳамроева Муаттар, Каримов Шукур, Фозилов Бобониёз, Қувватов Асрор, Шукуров Назар, Бобомуродов Рўзи, Рофиев Алла ва Рофиев Ўрун ҳамда Ёиёс Раҳмоновлар камбағаллар йиғилишларида қулоқ қилиниб, район ташқарисига, узоқ ўлкаларга сургун қилинган.

Навоий вилояти Кармана тумани Мир Саид Баҳром кўчаси (илгари Менжинский)да истиқомат қилаётган Бўриева Мунаввара отин ая, унинг отаси Ғаффор Бўриев ҳамда бобоси Бўри Шукуровлар ҳам Қарши сургунини бошларидан кечирганлар.

1931 йил сентябрь ойида Самарқанд ва Бухоро округларидаги айрим қулоқ хўжаликлари Ўрта Осиёдан ташқарига, асосан Шимолий Кавказга, Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган. 1932 йил май ойида Самарқанд ва Бухоро округларидан республиканинг ички ҳудудларига сургун қилиш амалга оширилган бўлиб, 2033 хўжалик (10420 жон) республиканинг турли “махсус посёлкалари”га жойлаштирилган⁴. Темирйўл вагонларида, асосан кечалари хўжатилганлар йўлда жуда кўп қийинчиликларга дучор бўлганлар, очлик ва касалликдан кўплаб одамлар халок бўлган.

ВКП(б) МК ва Иттифоқ халқ комиссарлар совети (ХКС) 1933 йил 8 майда “Дехқонларни оммавий кўчиришни тўхтатиш, қамоққа олиш ва қамоқхона жойларини қамайтириш тўғрисида” махфий директив йўриқномаси оммавий сургунни тўхтатиш учун асос бўлди. Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, қулоқлаштириш ва сургун жараёни

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 7-рўйхат, 251-йиғма жилд, 11-12-варақлар.

² ЎзР ПДА, 58-фонд, 7-рўйхат, 249-йиғма жилд, 78-83-варақлар.

³ Трагедия среднеазиатского кишлака...Т.П. –С.137-138.

⁴ ЎзР ПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 299-йиғма жилд, 81, 83-варақлар.

коллективлаштиришнинг давоми ҳисобланади. Ихтиёрий равишда колхозга киришни хоҳламаганлар ва улар қатағонга тортилган. Бу қатағонлар қулоқлаштириш ва сургун кўринишида намоён бўлган. Эътиборли томони шундаки, қулоқлаштириш миқдорлари ҳам юқоридан белгилаб берилган. Оқибатда қулоқлаштириш учун белгиланган тоифанинг белгилари бўлмаган, яъни ўрта ҳол ва камбағаллар ҳам қулоқлаштирилган. Улар меҳнатидан ўзлаштирилмаган ерларни ўзлаштиришда, қурилиш ва ўрмончиликда фойдаланилган. Бу жараёнлардан Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари аҳолиси ҳам четда қолмади.

Диссертациянинг **“Собиқ қулоқлар, колхозчи деҳқонларнинг қатағон қилиниши ва унинг Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларидаги оқибатлари”** номли учинчи бобида собиқ қулоқлар, колхозчиларнинг “катта террор” даврида қатағон қилиниши, коллективлаштириш ва оммавий қатағон сиёсатларининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳамда маънавий оқибатлари фактик материаллар асосида таҳлил этилган.

Совет ҳукумати оммавий қатағонларни Сиёсий бюро ва партия раҳнамолигида бевосита НКВД органларига таянган ҳолда ўтказган. Давлат-партия идораси ва манфаатлари билан уйғунлашиб кетган совет қонунчилиги муҳолиф кучларга давлат билан олишишга ҳеч бир имкон қолдирмаган. Сиёсий бюронинг 1937 йил 2 июлдаги “Советларга қарши унсурлар тўғрисида”ги қарори “катта террор” даврининг кенг кўламли қатағон операциясини ўтказиш учун ўзига хос старт бўлган.

ИИХК (НКВД) комиссари Н.Ежов томонидан 1937 йил 30 июлдаги 00447-сонли мутлақо махфий оператив буйруғи қатағоннинг оммавий тус олишига бош омил бўлди. Унга мувофиқ, 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича жами 10700 киши қамоққа олинган, улардан 3613 киши 1-тоифа бўйича отувга, 7087 киши 2-тоифа бўйича 8-10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган¹.

Аслида буйруққа асосан, Ўзбекистондан биринчи тоифа бўйича 750 киши, иккинчи тоифа бўйича 4000, жами 4750 киши қатағонга тортилиши кўрсатилган² бўлса-да, амалда бу “топшириқ” ортиғи билан бажарилган. Ушбу буйруқ ижросини таъминлаш учун барча чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Республикалар, ўлкалар, вилоятлар ҳудудларида маҳаллий шароитлар ва юзага келган вазиятга мувофиқ равишда оператив секторлар ташкил қилинган. 1937 йил августда бошланган террор 1938 йилнинг ноябрида, айнан В.И.Сталиннинг террорга чек қўйиш тўғрисидаги кўрсатмаси билан тўхтаган. Бу эса “катта террор”нинг марказдан бошқарилганлигидан далолат беради.

Қатағон қилинадиганларнинг рўйхатлари турли ташкилот ва бўлимлардан қабул қилинган. Ана шу машъум йилларда Кармана районининг Ҳазора қишлоғидан қатағон қилинган Бозор Қурбонов, Насим

¹ Шамсутдинов Р.Т. Қатағон қурбонлари. Иккинчи китоб.. –Б.6.

² Репрессия.1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск 1...–С.35.

Боймуродов, Ходи Мавлонов, Шавки Юнусов, Мардон Асомов, Жамол Омонов, Ҳалил Соқовлардан фақат Шавки Юнусов 10 йилдан сўнг қайтиб келган. 1906 йилда Кармана райони Бешкент қишлоғида туғилган Раим Хўжақулов, Уйрот қишлоғидан Сафар Умаровлар ҳам минглар қаторида қатағон қилиниб, ноҳақ ва уйдирма айблар билан 10 йил МТЛга ҳукм қилинганлардан ҳисобланади.

“Катта террор”нинг 1937 – йилида қатағонга тортилган кишиларнинг фақат Самарқанд (413 киши) ва Бухоро (887) округлари бўйича жами сони 1300 нафарни ташкил қилган. Қатағон қилингаларнинг аксарияти, яъни 70-74 фоизи “собик қулоқлар” ва деҳонлар бўлганлигини таҳлиллар исботлади. 595 нафар бухоролик, 180 нафар навоийлик, 305 нафар самарқандлик коллективлаштириш даврида қулоқлаштирилган кишилар эди. Улар 100 турдан ортиқ касб-кор эгалари бўлган.

1938 йилнинг сентябрь ойида қатағон қилинганларнинг рўйхатлари республика НКВДнинг 37 та бўлимидан тақдим қилинган бўлиб, НКВДнинг № 00606 – сонли “Махсус учликлар иши тартиби тўғрисида”ги буйруғи асосида Бухоро вилоятидан қатағон қилинган 76 нафар шахснинг 21 нафари отувга, 39 нафари 10 йил, 2 нафари 8 йил, 11 нафари 5 йил муддат билан МТЛга ҳукм қилинган, 2 нафар маҳбус иши қайта кўриб чиқиш учун ҳарбий Трибуналга қайтарилган, 1 кишининг айби исботланмаганлиги учун ҳибсдан озод қилинган. Навоий вилоятининг Кармана районида тақдим қилинган 2 нафар маҳбус ҳам ана шу буйруқ асосида 10 йилга МТЛга ҳукм қилинган. Самарқанд вилоятидан эса қатағон қилинган 156 шахснинг 24 нафари отувга, 96 нафари 10 йил, 14 нафари 8 йил, 15 нафари 5 йил муддат билан МТЛга ҳукм қилинган, 5 нафар маҳбус иши қайта кўриб чиқиш учун ҳарбий Трибуналга қайтарилган¹.

Умумий ҳисобларга кўра, 1937 йилнинг 10 августидан 1938 йилнинг 22 сентябрига қадар ўтказилган қатағонларда Бухоро вилоятидан 872, Навоий вилоятидан 249, Самарқанд вилоятидан 569, жами 1690 киши, агар шу ҳудудда яшаб турган 297 нафар чет эллик ҳам қўшиб ҳисобланса, қатағон миқдори 1987 кишидан ортади. ГУЛАГ тизимидаги МТЛ ва колониялардаги маҳбуслар, меҳнат ва махсус посёлкаларда сургун азобини тортаётган “собик қулоқлар” ҳам такроран қатағон қилинганлиги ҳисобга олинса, “катта террор” қурбони бўлган ўзбекистонликларнинг миқдори янада кўпаяди.

“Катта террор” 1938 йилнинг ноябрь ойига келиб яқун топди. Собик иттифоқ ХКС ва ВКП(б) МК 1938 йил 15 ноябрда “Учликлар, ҳарбий трибуналлар, СССР Олий суди ҳарбий коллегияларида махсус буйруқ асосида кўриш учун юборилган ишларни кўриб чиқишни тўхтатиш тўғрисида” ги директивани қабул қилади. Шунга асосан, навбатдаги оммавий қатағонларга чек қўйилди.

¹ Қатағон қурбонлари. (1938 йил февраль, сентябрь) Бешинчи китоб.... –Б.414.

1929 йил охирларида бошланган ёппасига коллективлаштириш, 1937-1938 йиллардаги сиёсий қатағонлар ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий оқибатларга сабаб бўлди. Маълумотларга қараганда, 30 фоиз колхозларда меҳнат ҳисоби умуман юритилмаган, кейинги таҳлиллар эса бундай ҳолатлар янада кўпроқ фоизни ташкил қилганлигини исботлади.

1928-29 – йилларда сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш маъмурий буйруқбозлик, зўравонлик билан ўтказилиб, шу даврда Самарқанд округи қишлоқларидан 7591 киши, Самарқанд шаҳридан 8772 киши, Зарафшон округи қишлоқларидан 6992 киши, Бухоро округи қишлоқларидан 15492 киши, Бухоро шаҳридан эса 6987 киши бу ҳуқуқдан маҳрум қилинган¹.

Кармана райони Варқ қишлоғида истиқомат қилган, коллективлаштириш даврида хўжалиги қулоқ қилинган Нурназар Абдуназаровнинг фарзанди Муқим ота Нурназаров шундай эслайди: “...Аламли томони шундаки, мол-мулклар мусодара қилинаётган вақтда, ҳатто ҳаво совуқ бўлганлигига қарамай, менинг эгнимдаги камзўлчани ҳам отамнинг кўз олдида устимдан ечиб олиб кетишган экан.”²

Нарх-наво ўсиб борган, иш ҳақи номигагина оширилган, меҳнат нормалари муттасил ортириб борилган. Меҳнаткашларнинг моддий аҳволи иттифоқ марказидагига қараганда бир неча карра оғир эди. 1931-1933 йилларда ёппасига ҳукм сургун очарчилик республиканинг кўп ҳудудларини камраб олди.

Аҳоли маънавиятига салбий таъсир кўрсатилиб, дин, диний маросимлар бекор қилинган. Диний муассасаларнинг иши, масжид ва мадрасаларнинг фаолияти тўхтатилган, Ҳаж сафарига бориш қатъий таъқиқланган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, “катта террор” қатағоннинг энг юқори нуқтаси ҳисобланади. Бу давр 1937-1938 йилларни ўз ичига олиб, тарихда “қулоқлар операцияси” деб ҳам юритилади. Бу даврга келиб, маъмурий буйруқбозлик тизими тўла шаклланиб бўлган эди.

Ҳукуматнинг “ким биз билан бўлмаса, у бизга душмандир”, деган тамойилидан келиб чиқиб, марказ ҳар қандай муҳолифатни ҳар қандай кўринишда йўқ қилишга бел боғлайди. Бу ўринда, қишлоқдаги муҳолифат “қулоқ” кўринишида намоён бўлади. Шунга асосан, “қулоқ”, “аксилинқилобчи”, “халқ душмани” каби тамғалар остида минглаб кишилар, жумладан самарқандлик, навоийлик, бухоролик колхозчи ва деҳқонлар ҳам қатағон қилинади.

¹ ЎзР МДА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 5023-йиғма жилд, 119-варақ.

² Дала материаллари. Варқ қишлоғида истиқомат қилган (ҳозирда вафот этган) Муқим ота хотираларидан ёзиб олинди. 2008 йил 18 август. Кармана.

III. ХУЛОСА

Бугунги мустақиллик, миллий мафкура, миллий менталитетга асосланган ҳақиқатларда совет ҳукуматининг ёппасига коллективлаштириш сиёсати ўша давр фожеаси сифатида талқин қилинмоқда.

Ўтган асрнинг 20-30 – йилларида зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш, у билан бир вақтда амалга оширилган қулоқлаштириш, сургун, 1937-1938 йиллардаги “катта террор” сиёсатининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий оқибатлари, халқлар бошига солган оғир кулфатлари ҳамда фожеалари каби масалалар бўйича умумлашма ва қиёсий-таҳлилий тадқиқотлар олиб борилиб, қуйидаги **хулосаларга** келинди:

1. Совет давлатчилиқ қурилишининг ошқора зўравонлик йўналиши, халқ оммаси учун ёт бўлган социалистик тузумнинг зўрлаб тиқиштирилиши, иқтисодиётдаги ҳалокатли ўпирилишлар, халқнинг миллий кадр-қимматини камситилиши ўлкада ўзаро сиёсий қарама-қаршилиқларнинг чуқурлашувига олиб келди.

2. Совет ҳукмронлиги йилларида миллий давлатчилиқ ва маҳаллий бошқарувга чек қўйилди. Ўз-ўзини бошқариш амалиёти жорий қилинмади, мустамлакачилиқ ва миллатчилиқ сиёсати амалга оширилди. Республика раҳбарлари мустақил равишда ички ва ташқи сиёсатни юритишдан маҳрум этилиб, улар амалда марказнинг итоаткор хизматчилари мақомига туширилди.

3. Халқ оммасига сиёсий ва инсоний ҳуқуқлар берилмади, республикалар ташқи дунё билан алоқа қилишда чекланди. Мулкчилиқ, эркин бозор, савдо-сотиқ, эркин ишбилармонлик ва ишлаб чиқариш таъқиқланди. Барча ишлаб чиқариш маҳсулотлари, турли бойлиқлар давлат мулкига айланттирилди ва яқка давлат мулк эгаллиги юзага келди.

4. Совет ҳукуматининг Самарқанд, Навоий, Бухоро ҳудудларидаги мажбурий ва ёппасига коллективлаштириш амалиёти натижасида пахта яқка ҳокимлиги ўрнатилди, хусусий мулкни тугатиш тадбирлари туфайли деҳқон ўз мулкидан ажралди, эркин меҳнат қилиш, ерга эгалиқ қилиш, сайлаш ва сайланиш каби фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум бўлди. Бу сиёсатларга қарши кучли норозилиқлар, исёнлар, ҳукуматга қарши курашлар бошланиб кетди. Бу ҳаракатлар иштирокчилари мол-мулкидан маҳрум этилиб, катағон чоралари билан қаттиқ жазоланди. Катағонлар минглаб оилалар ва хўжалиқларни хонавайрон қилди.

5. Чорвачилиқ билан шуғулланиб келган кишиларнинг мол-мулки билан бирга чорва подалари умумлаштирилиб, колхозлар таркибига киритилди. Ҳатто итларидан ҳам айрилган чорвадорлар қулоқ хўжалиқларига айланттирилди.

6. Совет ҳукуматининг 1920-1930 йилларда амалга оширган қулоқлаштириш сиёсати натижасида Зарафшон воҳасида яшаётган минглаб мулк эгалари, ҳатто оддий деҳқон хўжалиқлари ҳам ўз ери, хўжалиги, уй-жойи, мол-мулкидан маҳрум қилиниб, узоқ ва ўзга юртларга сургун, бадарға

қилинди ҳамда мажбурий кўчирилди. Қулоқлаштириш амалиёти коллективлаштириш жараёнини янада тезлаштириш ва режаларнинг белгиланган муддатдан илгари бажарилишига сабаб қилиб кўрсатилди. Бу жараёнда амалга оширилган қатағонлар жуда оғир, моддий, жисмоний ва руҳий талофатлар келтирди.

7. Коллективлаштириш, қулоқларни синф сифатида тугатиш, деҳқонларни ўз юртларидан сургун қилиш бу – совет ҳукуматининг аграр соҳада эришган ютуғи сифатида эътироф этилиб, қишлоқ оммасининг давлатга қарамлигини таъминлаб берди.

8. Онгли равишда кимёвий ўғитлар билан ер, сув, ҳаво ва озиқ-овқат маҳсулотлари зарарланди. Бунинг оқибатида ўзбек аёлларининг меҳнат фронтларида бетиним ишлатилиши, оиласи эмас, давлат учун фаолият қилишига мажбурланиши салбий оқибатларга олиб келди.

9. 1930 – йилларда рўй берган очарчилик, ҳосилсизлик ва қурғоқчилик, маҳаллий миллий раҳбарларга нисбатан ўтказилган қатағонлар, асосий қисми қишлоқларда яшайдиган воҳа аҳолисининг бошига зулм, зўравонлик, хўрлик, қатағон, муҳожирлик қисматини ва кулфатини солди.

10. Қатағоннинг энг юқори нуқтаси ҳисобланган, манбаларда “катта террор” ёки “қулоқлар операцияси” номини олган 1937-1938 йилларга келиб, собиқ қулоқлар, собиқ босмачилар, дин уламолари, зиёлилар, ишчи-ходимлар, оддий деҳқондан тортиб то давлат раҳбаригача бўлганлар, сохта уйдирмалар билан “халқ душмани”, “ёт унсур”, “аксилинқилобчи” тамгалари билан қатағон қилинди. Мудҳиш “учлик”нинг ҳукмлари билан ўн минглаб кишилар 5, 8, 10 йил муддатларга ГУЛАГ қамоқларига, минглаб кишилар эса олий жазо - отувга ҳукм қилинди. Эълон қилинган ҳужжатлар ва материаллар таҳлил қилинганда ана шу йилларда 569 нафар самарқандлик, 249 нафар навоийлик, 872 нафар бухоролик юртдошлар қатағон қилинганлиги маълум бўлди ва улар номма-ном аниқланди.

11. Қатағонлар совет ҳокимиятининг иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий ҳукмронлигини зўравонлик билан таъминлаб берди. Айниқса, маънавий соҳадаги қатағон, аввало, дин уламолари, зиёлилар, шоирлар, ёзувчиларни “миллатчиликда” айблаб, шафқатсиз жазолади. Бу жазо чоралари миллий мафкура, миллий менталитет, тарихий адолат, маданий мерос ва кадриятларни халқ маънавиятидан ўчирилишига қаратилди. Партия ва ҳукумат раҳбарлари Самарқанд, Навоий, Бухоро худудларидаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, намозгоҳлар каби маданий мероснинг бузғунчи ва вайронкорига айланди.

12. Қатағонлар ўзбек қишлоғидаги ижтимоий-сиёсий аҳволга оғир таъсир кўрсатди. Коллективлаштириш туфайли деҳқонда ерга эгалик ҳисси ҳамда меҳнатидан манфаатдорлик йўқолди. Қулоқлаштириш натижасида нафақат тадбиркор, ишбилармон, бойлар, балки қишлоқ хўжалигининг таянчи бўлган ўрта ҳол қатлам ҳам қатағон қилинди. Натижада қишлоқ эгаси камбағал-деҳқон бўлиб қолди. Бу эса иқтисодий оқибатларга олиб келди.

13. “Катта террор” халқнинг руҳий ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Халқда кўрқув, ишончсизлик, умидсизлик, манфаатсизлик кайфиятини кучайишига сабаб бўлди.

Тадқиқот натижасида аниқланган хулосалар ҳамда мулоҳазалар қуйидаги **тавсия** ва **таклифларни** илгари суришга имкон берди:

- биринчидан, совет ҳокимиятининг зўрлик билан амалга оширган коллективлаштириш ва у билан боғлиқ кулоқлаштириш, сургун сиёсатларининг иқтисодий, ижтимоий, маънавий оқибатларини ҳар бир вилоят миқёсида тадқиқ қилиб, тарихий ва маҳаллий архив ҳужжатлари асосида илмий асарлар яратиш;

- иккинчидан, қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида республиканинг ҳар бир вилояти бўйича “Қатағон қурбонлари” хотира китобларини яратиш, хотира ва уй музейларини ташкил қилиш;

- учинчидан, республиканинг туман ва қишлоқларида илмий экспедициялар уюштириб, мудҳиш кунларни бошидан ўтказган ва ҳозирда ҳаёт бўлган юртдошлар, уларнинг оила аъзоларидан эсдалик ва хотиралар олиб, илмий таҳлил асосида монография, эсдалик ва хотира китоблари яратиш;

- тўртинчидан, тадқиқотдан университет ва институтларнинг тарих факультетлари бакалавр ва магистрантларига Ўзбекистон тарихи фанидан ўқитиладиган махсус курсларда, курс иши, битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини ёзишда манба сифатида фойдаланиш;

- бешинчидан, коллективлаштириш ва у билан боғлиқ жараёнлар юзасидан халқаро ва республика миқёсида анжуманлар ташкил қилиш.

IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Қурбонов Х.Р. Тарихшуносликда шўролар томонидан амалга оширилган кулоқлаштириш ва “террор” масалаларининг ёритилиши. // Республика илмий анжуман материаллари. –Самарқанд, 2008. –Б.78-82.

2. Қурбонов Х.Р. Қуйи Зарафшон воҳасида коллективлаштириш ва унинг мудҳиш оқибатлари. // Илмий-амалий анжуман материаллари. – Навоий, 2008. –Б.134-140.

3. Шамсутдинов Р.Т., Қурбонов Х.Р. Айбсиз айбдорлар. // Андижон давлат университети илмий хабарномаси. –Андижон, 2008. –№1. –Б.30-36.

4. Репрессия 1937-1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 4. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год декабрь. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Абдуллаев М.Г., Дусматов Э.П., Курбанов Х.Р. –Ташкент: Шарк, 2008. –574 с.

5. Акбарова М.Л., Қурбонов Х.Р. Қатағонлар тарихи шоҳидлар хотирасида. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. –Тошкент, 2009. –№1. –Б.143-146.

6. Қурбонов Х.Р. Тарихнинг қора қуюни. // Guliston. –Тошкент, 2009. –№2. –Б.40-42.
7. Қурбонов Х.Р. Шўро қатағон услублари: сайлов ҳуқуқидан маҳрум этиш. // Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2009. –№3. –Б.128-130.
8. Мамажонов А., Қурбонов Х.Р. Сургундаги юртдошлар тақдири. // Андижон давлат университети илмий хабарномаси. –Андижон, 2009. –№3. –Б.110-112.
9. Расулов Б.М., Курбанов Х.Р. Репрессия. 1937-1938 гг. Документы и материалы. вып. № 1-4. (рецензия) // Отечественные архивы. –М., 2009. –№3. –С.104-107.
10. Шамсутдинов Р.Т., Қурбонов Х.Р. “Учлик” хайъати: мудҳиш мужодала. // Тафаккур. –Тошкент, 2009. –№4. –Б.86-87.
11. Қатағон қурбонлари (1938 йил февраль, сентябрь). Бешинчи китоб. Ҳужжатлар ва материаллар. Тузувчилар: Шамсутдинов Р.Т., Қурбонов Х.Р., Расулов Ж.М., Эгамбердиев Ф.А., Бекиметов У. –Тошкент: Шарқ, 2009. – 574 б.
12. Қатағон қурбонлари. Хотира (Бухоро вилояти). Тузувчилар: Шамсутдинов Р.Т., Дўсматов Э.П., Қурбонов Х.Р. –Бухоро: BUXORO, 2009. –160 б.
13. Қурбонов Х.Р. Мустақиллик туфайли мангуликка муҳрланган қатағон қурбонлари хотираси. // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. –Навоий, 2010. –Б.199-202.
14. Қурбонов Х.Р. Кармана районида амалга оширилган коллективлаштириш ва қулоқлаштириш сиёсатлари. // Андижон давлат университети илмий хабарномаси. –Андижон, 2010. –№ 3. –Б.68-71.

Тарих фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Курбанов Хуршид Рауповичнинг 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи ихтисослиги бўйича “Ўзбекистонда зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш ва унинг оқибатлари. 1929-1938 йиллар (ҳозирги Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари мисолида)” мавзuidaги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: коллективлаштириш, кулоқ, кулоқлаштириш, колхоз, совхоз, артел, сургун, махсус посёлка, қатағон, террор, “Катта террор”, тоифа, ГУЛАГ, учлик, Самарқанд, Навоий, Бухоро, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий оқибатлар.

Тадқиқот объекти: 1929 йилларда зўрлик билан бошланган коллективлаштириш, у билан бир вақтда олиб борилган кулоқлаштириш, сургун ва 1937-1938 йиллардаги “катта террор” сиёсатлари ва унинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий оқибатлари.

Ишнинг мақсади: советларнинг Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида амалга оширган коллективлаштириш ва сиёсий қатағонларни марказий, маҳаллий ва нарратив манбалар асосида илмий ва миллий истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан комплекс ўрганиш, тегишли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот усуллари: тарихий, илмий, тизимли, тизимлаштириш, қиёсий таҳлил, тўпланган материалларни холис баҳолаш ва таққослаш, даврий изчиллик, диалектик.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: зўравонлик билан ўтказилган коллективлаштириш, кулоқлаштириш, сургун ва сиёсий қатағоннинг асл моҳияти ва оқибатларини тадқиқот объекти ҳудудлари миқёсида маҳаллий архив материаллари асосида очиб берилди, бир қатор қатағон қурбонлари номма-ном аниқланди ва номлари абадийлаштирилди, янги тарихий манбалар яхлит ҳолда илмий истеъмолга киритилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқотда келтирилган маълумотлар, олинган натижалар Ўзбекистон тарихини яратишда илмий маълумотлар сифатида фойдаланишга, халқларни, айниқса, ёшларни мустақилликнинг қадрига етиш ҳамда унга садоқатли бўлиш руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Қатағон қурбонлари, уларнинг авлодларидан олинган хотира ва суратлар “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси, “Қатағон қурбонлари хотира музейи”дан жой олаётганлиги алоҳида аҳамият касб этди.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертациянинг асосий мазмуни ва ғоялари диссертант томонидан чоп этилган 8 та илмий мақола ва 3 та илмий анжуманлардаги чиқишларда ҳамда 3 та ҳужжатлар ва материаллар тўпламида ўз аксини топган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: тадқиқот натижаларидан таълим соҳаси, хусусан, Ўзбекистоннинг совет даври тарихидан дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш жараёнида фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Курбанова Хуршида Рауповича на тему: «Насильственная коллективизация в Узбекистане и её последствия. 1929-1938 гг. (на примере Самаркандской, Навоийской и Бухарской областей)» на соискание учёной степени кандидата исторических наук по специальности 07.00.01 – История Узбекистана.

Ключевые слова: коллективизация, кулак, раскулачивание, колхоз, совхоз, артель, ссылка, спецпосёлка, репрессия, террор, «Большой террор», категория, ГУЛАГ, тройка, Самарканд, Наваи, Бухара.

Объект исследования: начавшаяся в 1929 году насильственная коллективизация, проводившееся одновременно с ней раскулачивание, ссылки и «Большой террор» 1937-1938 гг., их политические, экономические и духовные последствия.

Цель работы: на основе центральных местных и нарративных источников комплексно изучить осуществление советами политических репрессий и коллективизации в Самаркандской, Навоийской и Бухарской областях.

Методы исследования: исторический, научный подход, систематизация, сравнительный анализ, объективная оценка собранного материала, хронологическая последовательность, диалектический.

Полученные результаты и их новизна: на основе местных архивных материалов раскрыты истинная сущность и последствия насильственной коллективизации, раскулачивания, ссылок и политических репрессий, проведённых на территории, указанной в объект исследования.

Практическая значимость: приведённые в исследовании сведения, достигнутые результаты способствуют научному обогащению истории Узбекистана и воспитанию народов, особенно молодёжи, в духе преданности идеям национальной независимости (патриотизма и интернационализма). Собранные и полученные от жертв репрессий, их поколений воспоминания и снимки занимают отдельное место в выставках музея «Памяти жертв репрессии» и благотворительном фонде «Шахидлар хотираси».

Степень внедрения и экономическая эффективность: основное содержание и идеи диссертации отражены в 8 научных статьях и 3 тезисов в материалах конференции, а также в 3-х сборниках материалов и документов, опубликованных диссертантом.

Область применения: результаты исследования могут быть использованы в подготовке и написании учебников, учебных пособий и монографий, а также при чтении лекции и для проведения практических занятий по истории Узбекистана.

RESUME

Thesis of Kurbanov Khurshid Raupovich on the scientific degree competition of the doctor of sciences (philosophy) in history on specialty 07.00.01 – History of Uzbekistan on the subject: “Forcible collectivization in Uzbekistan and its consequences. During 1929-1938 years (in case of Samarkand, Navoi and Bukhara regions)”

Key words: collectivization, fist, dispossession, collective farm, state farm, cooperative, reference, special colony, repressions, terror, “the Larg Terror”, category, GULAG, Troika, Samarkand, Navoi, Bukhara.

Subjects of the inquiry: commenced forcible collectivization in 1929, carried out dispossession of kulak at the same time, references and “Great Terror” during 1937-1938, political, economic and spiritual consequences.

Aim of the inquiry: on the basis of local and narrative sources fully learn implementation of Opinions on political repressions and collectivization of Samarkand, Navoi and Bukhara regions.

Methods of the inquiry: historical, scientific approach, systematization, comparative analysis, objective appraisal of researched materials, chronological consistency, dialectical method (field recording, memory, conversation, interview).

The results achieved and their novelty: on the basis of local archive materials there were discovered true substance and consequences of forcible collectivization, dispossession of kulaks, references and political repressions, which were held in the territory, mentioned in the test subject.

Practical value: cited information for research, achieved results may assist scientific enrichment of history of Uzbekistan and education of nation, especially youth, in the manner of devotion to ideas of national independence (patriotism and internationalism). Collected and achieved victims from repressions, their generation memorials and pictures occupies separate place in the museum exhibitions “Memorials of victims during the repressions” and in the charitable organization “Shahidlar xotirasi”.

Degree of embed and economic effectivity: the basic contents and ideas of the dissertation reflected 8 scientific articles published in the republican scientific journals, 3 thesis at scientific conferences and 3 collected materials and documents by the author.

Sphere of usage: the results of the research can be used in preparation and writing textbooks, school-books and monographs, as well as by reading lectures and for conducting practical exercises on the history of Uzbekistan.